

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

МАИШИЙ НУТҚИЙ ЖАНРЛАРНИ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТДА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Фотима Мамановна Хасанова,

ф.ф.ф.д (PhD) Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон

E-mail: ismoilova_fotimahon@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада майший нутқий жанрларни социолингвистик аспектда тадқиқ этишнинг долзарб масалаларида, асосан, социолингвистика ва майший нутқий жанрлар алоқадорлигини белгилаш, майший нутқий жанрлар тизимини шакллантириш, майший нутқий жанрлар социолингвистик таснифини яратиш, майший нутқий жанрларнинг алоҳида турларини тадқиқ қилишга асосий эътибор қаратилиш зарурияти ҳақида гап боради. Майший нутқий жанрларнинг алоҳида турларини тадқиқ қилиш масаласида фидеик нутқий жанрларнинг ўзига хос ўрни мавжуд. Фидеик нутқий жанрлар моҳиятида диний-магик тасаввурлар ётар экан, бир тарафдан масалага социология ва тилшунослик, иккинчи тарафдан диншунослик нуқтаи назардан ҳам ёндошиш талаб қилинади.

Калит сўзлар: майший нутқий жанрлар, фидеик нутқий жанрлар, ижтимоий ва диний индикаторлар, ижтимоий омиллар, кексалик, дуо адресантлари.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ЖАНРОВ БЫТОВОЙ РЕЧИ В СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКОМ АСПЕКТЕ

Аннотация

В данной статье рассматриваются актуальные вопросы исследования бытовых речевых жанров в социолингвистическом аспекте, в основном определяющие соотношение между социолингвистикой и бытовыми речевыми жанрами, формирование системы бытовых речевых жанров, создание социолингвистической классификации бытовых речевых жанров, необходимость сосредоточения по изучению отдельных видов бытовых речевых жанров. Особое место в исследовании конкретных видов бытовых речевых жанров занимают фидеистические речевые жанры.

Ключевые слова: бытовые речевые жанры, фидеистические речевые жанры, социальные и религиозные индикаторы, социальные факторы, старость, адресаты молитвы.

CURRENT ISSUES IN THE STUDY OF GENRES OF EVERYDAY SPEECH IN THE SOCIOLINGUISTIC ASPECT

Annotation

This article discusses important issues in the study of everyday speech genres in the sociolinguistic aspect, mainly determining the relationship between sociolinguistics and everyday speech genres, the formation of a system of everyday speech genres, the creation of a sociolinguistic classification of everyday speech genres, the need to focus on the study of certain types of everyday speech genres. A special place in the study of specific types of everyday speech genres is occupied by fideistic speech genres.

Key words: everyday speech genres, fideic speech genres, social and religious indicators, social factors, old age, prayer recipients.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

Кириш. Сүнгги йилларда жахон тилшунослигига нутқий жанрлар ва уларнинг лингвистик табиатини очиб беришда социолингвистик хусусиятларни инобатга олиб ўрганишга бўлган қизиқиши кучайди. Бу эса, бир тарафдан, тилнинг функционал хусусиятларини аниқлашга бўлган интилишни англатса, иккинчи тарафдан, нутқий жанрлар назариясида тил тизимидағи нутқий жанрларнинг турли типларини аниқлаш, типологик гурухлаштириш каби масалалар ечимини топишни назарда тутади. Нутқий жанрлар социолингвистикаси нутқий жанрларнинг тил тизимидағи вербал, новербал воситалари ва ижтимоий лингвистик атрибуутларда мавжуд ўзига хос ижтимоий хабар, яъни муайян тилдаги ижтимоий идеология, ижтимоий қарашлар, ижтимоий дунёкарап, ижтимоий мезонлар, ижтимоий муносабатлар, ижтимоий мухит ва шароитлар, ижтимоий маънавий дунё, ижтимоий қонун-қоидалар, ижтимоий урф-одатлар, ижтимоий қадриятлар, ижтимоий анъаналар, ижтимоий жамиятдаги турли ҳодисалар ва воқеаларга турли муносабатлар, ижтимоий феъл – автор, ижтимоий яшаш ва фикрлаш тарзи, ижтимоий образлар, стереотиплар, ижтимоий катта ва кичик жамоалар (оила, мактаб, маҳалла каби), ижтимоий жамоатчилик фикрлари, ижтимоий тажриба, ижтимоий ёш, ижтимоий қатлам (этник, ирқий каби), ижтимоий жамият тузуми, ижтимоий замон талаби, ижтимоий макон, ижтимоий тафаккур каби бир қатор ижтимоий маълумотларни ўзига хос тарзда ёритиб беради.

Дунё тилшунослигига олиб борилаётган нутқий жанрларнинг социолингвистик тадқиқи бир тарафдан, тилшунослиқда тилнинг функционал хусусиятларини ёритишига хизмат қиласа¹, иккинчи тарафдан, маданиятлараро коммуникацияда турли маданиятли халқлар ўртасидаги ижтимоий иқтисодий муносабатларда юзага келувчи тилга оид муаммолар ечимида социолингвистик индикаторларнинг миллий-маданий хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради, тил таълимида эса турли тилларни ўрганишда нутқий жанрларнинг турли хил шаклларини турли коммуникатив вазиятларда тўғри қўллаш компетенцияларини ривожлантиришни кўзда тутади.

Тадқиқот усуллари. Маиший нутқий жанрларни социолингвистик аспектда тадқиқ этишнинг долзарб масалаларини, хусусан, тил тизимидағи маиший нутқий жанрларнинг вербал, новербал воситалари ва лингвистик атрибуутларнинг социолингвистик хусусиятларни ёритишида, аввало, маиший нутқий жанрларни тавсифлаш ва таснифлаш, нутқий жанрлар таркибида нутқий актлар таҳлили кабилар мухимдир.

Натижа ва муроҷаузалар. Нутқий жанрларнинг сўзлашув нутқига хосланган, маиший ҳаётда кўп қўлланилувчи, кишиларнинг кундалик сўзлашув хусусиятлари, мавзулари, қизиқишлиари, анъаналарини ўзида намоён этувчи маиший нутқий жанрлар тил тизимида муайян ўрин эгаллайди. Кишилик жамиятидан кундалик маиший муроҷаузалари жараёнида амалда бўлган маиший нутқий жанрларнинг замонавий шакллари асрлар оша халқнинг тарихий ва фалсафий қарашларни ўзида акс эттиради. Шундай экан, ҳар бир маиший нутқий жанрнинг замонавий шакли ва унинг келиб чиқиши тарихини ўрганиш тарихий ва замонавий қарашларни қиёслаш имконини беради. Шу нуқтаи-назардан маиший нутқий жанрлар ўзида халқнинг маиший ҳаёти билан боғлиқ тарихий ва замонавий қарашларини, анъаналарини акс эттирувчи нутқий жанрлар туркуми саналади. Маиший

¹ Дементьев. В.В. О типологии речевых жанров в связи со сферами речевой коммуникации и без такой связи // Коммуникативные исследования. 2019. Т.6. №3. С. 633; Дементьев. В.В. Теории речевых жанров. М.: Знак, 2010, 594

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

нутқий жанрлар майший мулокот давомида ҳосил бўлганлиги сабабли майший мулокотга оид барча тил қонуниятлари ва хусусиятларини ўзида жамлайди.

Изоҳли луғатларда майший ҳаёт сўзи бу майший тирикчилик, кундалик яшашга оид каби маъноларни англатади. Майший² сўзи арабчадан олинган бўлиб, ҳаётӣ, ҳаёт, турмушга оид маъносини англатади. Шуни айтиш керакки, майший ҳаёт тушунчаси инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг расмий, қонуний ва хукукий жиҳатларини ўзида ифодаламайди. Бунда майший ҳаётнинг ижтимоӣ, яъни жамоавий хусусиятлари асосий ўрин эгаллайди. Майший ҳаётда инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқани юзага келтиришда иштирок этувчи нутқий жанрлар тил тизимида муайян ўринни эгаллайди. Майший нутқий жанрларнинг вербал/новербал воситалари ва лингвистик атрибуслари ижтимоӣ жиҳатдан кодлашади. Майший нутқий жанрлар вербал воситаларининг ижтимоӣ кодлашуви матний композицион кодлашувни, новербал воситалари кодлашуви паралингвистик, кинетик каби новербал воситалар кодлашувини, лингвистик атрибуслар кодлашуви эса предмет, нарса буюм, вокеа ҳодисаларнинг ижтимоӣ кодлашувини назарда тутади. Масалан, *Мен тугилган кунингиз билан табриклиман* гапи инглиз лингвомаданиятида ижтимоӣ жиҳатдан матний композицион кодлашган, совғанинг мавжудлиги лингвистик атрибуслари кодлашувини, қадаҳ кўтариш эса новербал воситалар кодлашувини англатади. *Мен тугилган кунингиз билан табриклиман* гапи эса ўзбек лингвомаданиятида матний композицион жиҳатдан дуо нутқий жанрларининг қўшилиши билан ижтимоӣ кодлашади ва *Мен тугилган кунингиз билан табриклиман, илоҳим умрингиз узоқ, ризқингиз улуг бўлсин* шаклида тузилади. Демак, икки лингвомаданиятда ушбу жанрларнинг матний кодлашуви ижтимоӣ маданиятларга хос лингвистик шаклда тузилади.

Майший нутқий жанрларнинг вербал/новербал ва лингвистик атрибуслари ҳалқнинг тафаккур тарзию миллий яшаш тарзини, минг йиллик анъаналарини, бир сўз билан айтганда, ҳалқнинг тафаккурини акс эттиради. Қисқа қилиб айтганда, ҳар бир одам ўз тилига хос бўлган структура, иборалар ва бошқа тил бирликлари моделларини ўз жамиятига хос бўлган шаклда ифода қиласди. Майший нутқий жанрлар матни ва новербал воситаларининг риторик қурилиши асосида турган мантиқий кетма кет жойлашган қисмлар миллий тафаккур жараёнида ҳосил бўлганлиги сабабли миллатлараро фарқларга эга. Масалан, ҳатнинг охирги қисмида *Your Cincerely* иборасининг ишлатилиш инглиз ҳалқида кенг тарқалганлиги, ўзбек ҳалқида эса бу қисмнинг мавжуд эмаслиги хат нутқий жанрининг ўзига хос миллий хусусиятларини кўрсатади. Демак, майший нутқий жанрлар қайси тилда ифодаланишидан қатъий назар умумжамият қабул қилган шаклда тузилади. Майший нутқий жанрлар муайян миллат тўплаган тажриба, билим ва маданияти, ушбу миллатнинг миллий менталитетига оид этномаданий ахборот тўпланиши натижасида ҳосил бўлади. Майший нутқий жанрларнинг ижтимоийлиги шундаки, уларнинг майший турмушда кишилар ўртасида коммуникатив ўзаро таъсир асосида шаклланишидир. Айниқса, майший нутқий жанрларнинг ижтимоийлиги майший нутқий жанрлардаги сўзловчи ва тингловчиларнинг ижтимоий мақоми мавжудлиги ва шу ижтимоӣ жамиятда муайян вақт ва маконда нутқий ўзаро таъсир асосида амалга оширилишидадир. Кузатишлар шуни

²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилд. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, Тошкент, 2000 йил, 526- бет

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

кўрсатадики, тил тизимида майший нутқий жанрларнинг социолингвистик тадқики куйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- 1) Социолингвистика ва майший нутқий жанрлар алоқадорлигини белгилаш;
- 2) Майший нутқий жанрлар тизимини шакллантириш;
- 3) Майший нутқий жанрлар социолингвистик таснифини яратиш;
- 4) Майший нутқий жанрларнинг алоҳида турларини тадқик килиш ва ҳок.

Ушбу масалаларнинг ечими майший нутқий жанрлар социолингвистикасининг ўзига хослигини аниқлашда муҳимдир.

1) Социолингвистика ва майший нутқий жанрлар алоқадорлигини белгилаш.

Социолингвистика ва майший нутқий жанрлар алоқадорлигини аниқлашда тил тизимидағи майший нутқий жанрларнинг ижтимоий омилларини белгилаш, уларнинг социомаданий хусусиятларини аниқлаш асосий масалалардандир. Майший нутқий жанрларнинг ижтимоийлиги ушбу жанрлар инсонларда туғма ирсий бўлмай, муайян жамиятда муайян қоидалар асосида шаклланишидан дарак беради. Унинг шаклланиши ва амалда бўлиши ўша жамият қонунларига бўйсунади.

2) Майший нутқий жанрлар тизимини шакллантириш.

Майший нутқий жанрлар тизимини шакллантириш масаласи эса бевосита майший нутқий жанрларнинг алоҳида турларини тадқик этиш асосида бўлади. Ушбу масалада тил тизимида майший нутқий жанрларнинг ҳар бир тури ўзига хос мустақил нутқий жанр сифатида ташкилий шаклий композицион ва матний композицион тузилишга эгалигини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Майший нутқий жанрларнинг ташкилий шаклий композицион тузилишида вербал/новербал воситалар ва лисоний атрибутлар муҳим аҳамият касб этади ва булар ёрдамида ушбу нутқий жанрда фаол иштирок этувчи нутқий актларни аниқлаш имконияти туғилади. Масалан, тўй маросимига оид майший нутқий жанрларда маросимни очиб бериш, сўзга таклиф қилиш, табриклиш, никоҳ маросими, табриклиш, қадаҳ кўтариш ва ҳоказолар кетма-кетлиги майший нутқий жанрларнинг ташкилий шаклий композицион тузилишини ташкил қиласи ва бунда турли хил нутқий актлар кетма-кетлиги кузатилади. Кўринадики, тўй маросими билан боғлиқ майший нутқий жанрларда табриқ, қадаҳ, қасамёд каби кичик майший нутқий жанрлар семантик жиҳатдан бир бири билан боғланиб, жамиятнинг бутун бир анъанаси мазмунини тўлдиради.

3) Майший нутқий жанрлар социолингвистик таснифини яратиш.

Майший нутқий жанрлар туркуми ўзида бир қатор ижтимоий омилларни ўзида акс эттиради. Шу сабабли майший нутқий жанрлар таснифида ушбу ижтимоий омилларни ҳисобга олиб тасниф гуруҳларини шакллантириш ўзига хос тасниф гуруҳларини келтириб чиқаради. Майший нутқий жанрларнинг социолингвистик кўрсаткичлари тил тизимида ижтимоий кўрсаткичли майший нутқий жанрлар тизимини шакллантиради. Бунда майший нутқий жанрларнинг социолингвистик омиллар иштирокига кўра куйидаги гуруҳларга ажратиш мукин:

- 1) Этник кўрсаткичли майший нутқий жанрлар: “келин тушди”, “юз очди”, “қаъда”, “ис чиқариш”, “эҳсон” нутқий жанрлари;
- 2) Миллат кўрсаткичларига эга майший нутқий жанрлар: инглиз миллатидаги “дозенс” нутқий жанри, ўзбек миллатидаги “аския” нутқий жанри каби;

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

- 3) Муайян кичик ёки катта жамиятга хос миший нутқий жанрлар: маҳалла: “ҳашар” нутқий жанри, оила: алла, тез айтиш, мақол, насиҳат, маслаҳат-кенгаш, ибратли нақллар каби;
- 4) Ижтимоий худудий миший нутқий жанрлар: қишлоқ, шаҳар, овул кабилардаги лапарлар, фольклор жанрлари кабилар, “келин тушди”, келин салом, юз очди каби;
- 5) Эътиқодий кўрсаткичли миший нутқий жанрлар: фидеик нутқий жанрлар: дуо, қарғиши, қасамёд каби;
- 6) Ижтимоий жинс (гендер)га оид миший нутқий жанрлар: аёллар нутқига хос алла, аёллар учун ўтириш, эркакларда асқия, ош ўтириши каби;
- 7) Ижтимоий гурух кўрсаткичли нутқий жанрлар: гул базми каби;
- 8) Ижтимоий давр кўрсаткичли миший нутқий жанрлар: қадаҳ сўзи, гул базми каби;
- 9) Ижтимоий ёшга оид миший нутқий жанрлар: қариялар нутқида маслаҳат, панд-насиҳат, мақол, матал, нақл, ҳикматли сўзлар, болаларга хос эртак, шеър, оқ терак ва кўқ терак каби;
- 10) Кўчага оид миший нутқий жанрлар: сўкиниш, жанжал нутқий жанрлари, Уйга оид миший нутқий жанрлар: дастурхон жанрлари, дуо, қадаҳ каби;
- 11) Ижтимоий мавқе кўрсаткичли миший нутқий жанрлар: президент қасамёди, тиббий қасамёд, талаба қасамёди;
- 12) Ижтимоий вазият кўрсаткичли миший нутқий жанрлар: масалан, турли тадбирларда: байрам, таъзия каби;
- 13) Ижтимоий давр кўрсаткичли миший нутқий жанрлар: қадаҳ сўзи нутқий жанри;
- 14) Маросим кўрсаткичли миший нутқий жанрлар: А) тўй маросими билан боғлиқ миший нутқий жанрлар; Б) аъза маросими билан боғлиқ миший нутқий жанрлар; С) туғилган кун билан боғлиқ миший нутқий жанрлар каби ва ҳоказо.

Ушбу тасниф гурухини яна давом эттириш мумкин. Чунки бундан ташқари, тил тизимида ирқларга хос бўлган миший нутқий жанрлар, аралаш нутқий жанрлар ҳамда нейтрал нутқий жанрлар ҳам мавжуд. Бу эса келажакда макро ва микросоциолингвистик тадқиқотларга асос бўлади ва янги тасниф гурухларининг яратилишига ҳисса қўшади.

4) Миший нутқий жанрларнинг алоҳида турларини тадқиқ қилиш ва ҳок. Ушбу масаланинг қамрови кенг. Миший нутқий жанрларнинг алоҳида турларини турли кўрсаткичларига қараб таснифлаш имконияти чегараланмайди ва ушбу кўрсаткичларнинг хусусияти миший нутқий жанрларни ўрганишни бошқа фанлар билан боғлайди. Масалан, диний кўрсаткичларига кўра миший нутқий жанрлар туркумининг ўзига хос ички турлари мавжуд. Шуни айтиш керакки, диний кўрсаткичли миший нутқий жанрларни социолингвистик жиҳатдан тадқиқ қилиш ушбу туркумни ҳам социал, ҳам лингвистик, ҳам диний жиҳатларини очиб беришни талаб қиласди. Демак, бу ўринда диний кўрсаткичли миший нутқий жанрлар тадқиқи социология, лингвистика, диншунослик фанлари билан боғланади. Диний нутқий жанрлар ва унинг услуги масалалари тадқиқига бевосита рус лингвистик жанршунослари етарлича эътибор қаратганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

Улар ўз тиллари ва бошқа хорижий тиллар мисолида диний нуткий жанрларнинг ўзига хос лингвистик хусусиятларини қиёсий планда кўриб чиқдилар³.

Маишний нуткий жанрларнинг алоҳида турлари тадқиқида диний кўрсаткичли маишний нуткий жанрлар тизими ўзига хос ўлиб, диний кўрсаткичли маишний нуткий жанрлар туркумини ўрганишда хорижда фидеик нуткий жанрлар атамаси кўлланилади. Фидеизм сўзи ўзбек тили изохли лугатларида француз тилидаги *ишионч*, эътиқод маъноларини англатиб, фалсафада имон-эътиқод акл идрокдан устун туради, деб ҳисобловчи, фан ва илмий билишни чекловчи диний дунёқарашиб, сифатида таърифланади⁴. Шуни айтиш керакки, жамиятда диний дунёқарашибни рад қилувчилар ҳам мавжуд бўлиб, улар, асосан, атеистлар ёки динсизлардир. Уларнинг тафаккурида ишонч-эътиқодга бўлган муносабат дунёнинг физик қонунлар асосида яратилганлиги, унда ҳеч қандай магик мантиқ кўрмаслиги билан ҳарактерланади. Диний эътиқод вакиллари эса ўз динлари нуқтаи назаридан ҳар бир нарсанинг моҳиятидан илоҳиёт нуқтаи назаридан мантиқ қидиради. Айниқса, уларнинг тафаккурида дунёнинг илоҳий қонунлар асосида яратилганлиги, дунёда бўлиб ўтадиган ҳар бир нарса ўзининг илоҳий мантиғига эгалиги билан ҳарактерланади.

Шундай қилиб, фидеик нуткий жанрлар моҳиятида халқнинг тарихи, урф одатлари, турмуш тарзи ўзига хос диний ифодаланади ва бунда халқнинг миллий хусусиятлари равшан кўринади. Фидеик нуткий жанрлар ўзида аҳлоқий тарбия воситаси сифатида ижмимоий ҳаётда мухим ўрин тутади. Фидеик нуткий жанрлар муайян халқнинг диний одоб аҳлоқ, ишонч-эътиқод, урф одатнинг ўзига хос тарихини акс эттиради. Шу жиҳатдан фидеик нуткий жанрлар халқнинг диний-мифологик тафаккурини ўзида акс

³ Бобырева Е. В. Коммуникативный компонент жанров молитвы и исповеди в пространстве религиозного дискурса / Е. В. Бобырева // Жанры и типы текста в научном и медийном дискурсе: Межвузовский сборник научных трудов / Отв. ред. А. Г. Пастухов. — Орел, 2013. — С. 100–106; Бондарко Н. А. Взаимодействие устной и письменной традиций в немецких медитативных молитвах XIII–XIV веков [Электронный ресурс] / Н. А. Бондарко // Acta Linguistica Petropolitana. Труды института лингвистических исследований. — 2011. — №1. — URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vzaimodeystvie-ustnoy-ipismennoy-traditsiy-v-nemetskih-meditativnyh-molitvah-xiii-xiv-vekov> (дата обращения: 02.07.2021); Бугаева И. В. Молитва как особый жанр современной православной публицистики / И. В. Бугаева // Жанры и типы текста в научном и медийном дискурсе : межвузовский сборник научных трудов. — Орел : Орловский государственный институт культуры, 2006. — С. 157–164; Бугаева И. В. Теолингвистика: теология+лингвистика? / И. В. Бугаева // Язык и метод: Русский язык в лингвистических исследованиях XXI века. — Т. 2: Лингвистический анализ на грани методологического срыва / ред. Д. Шумска, К. Озга. — Krakow: Wydawnictwo Uniwersytetu Jagiellońskiego, 2015. — С. 293–300; Войтак М. Проявление стандартизации в высказываниях религиозного стиля (на материале литургической молитвы) / М. Войтак // Текст: стереотип и творчество. — Пермь: Пермский государственный университет, 1998. — С. 214–230; Гадомский А. К. О жанрах религиозного языка в русской и польской теолингвистике / А. К. Гадомский // Стил. — 2009. — № 8. — С. 107–118; Ицкович Т. В. Жанровая система религиозного стиля / Т. В. Ицкович. — Москва: ФЛИНТА, 2021. — 400 с.

Карасик В. И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс / В. И. Карасик. — Волгоград: Перемена, 2002. — 477 с; Мишланов В. А. Молитва как речевой жанр / В. А. Мишланов // Прямая и непрямая коммуникация. Сб. научных статей. — Саратов: Издательство «Колледж», 2003. — С. 290–302; Плисов Е. В. Композиционные и лексико-грамматические особенности священнической молитвы на часах (на примере немецких католических молитв) / Е. В. Плисов // Известия Волгоградского государственного педагогического университета. — 2012. — № 6. С. 87–91; Постовалова В. И. Адресация в православно-христианском дискурсе: проповедь, исповедь, молитва / В. И. Постовалова // Логический анализ языка. Адресация дискурса. — М.: Индрик, 2012. — С. 177–191; Прохватилова О. А. Православная молитва как один из ядерных жанров религиозного стиля / О. А. Прохватилова // Stil. — Beograd. — 2007. — № 6. — С. 153–166; Прохватилова О. А. Православная проповедь и молитва как феномен современной звучащей речи / О. А. Прохватилова. — Волгоград: Изд-во Волгоградского гос. унта, 1999. — 364 с; Уразаева Н. Р. Структурно-семантическая характеристика немецкоязычного молитвенного текста: автореф. дис. ... канд. филол. наук / Н. Р. Уразаева. — М., 2003. — 24 с.

⁴ Ўзбек тилининг изохли лугати. 4 жилд. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” нашри, 2020, 343 бет

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

эттирувчи нутқий жанрлар бўлиб, уларда миллатнинг эътиқоди акс этади. Ушбу жанрлар орқали Худо билан нутқий мулоқоти амалга ошади. Оддий одамлар дунёси ва Худонинг курдатли кучи билан яқин алоқалари ушбу жанрлар орқали ҳам кечади.

Фидеик майший нутқий жанрларга қасамёд, дуо, қадаҳ сўзлари, ҳамдардлик билдириши кабиларни киритиш мумкин. Фидеик майший нутқий жанрларни халқнинг ижтимоий-маиший ҳаётида ижобийлик ва салбийлик хусусиятларига кўра шартли равища ижобий фидеик майший нутқий жанрлар ва салбий фидеик майший нутқий жанрларга ажратиш мумкин. Фидеик нутқий жанрлар таснифи масаласида ижобий ва салбий фидеик нутқий жанрларни фарқлаш мумкин. Ижобий фидеик майший нутқий жанрларга оиласиди майший нутқий жанрларга алла, қасамёд, дуо, қадаҳ сўзлари, ҳамдардлик билдириши, кабилар, салбий фидеик майший нутқий жанрларга эса қарғиши, қарганиши, сўкиниши каби майший нутқий жанрларни киритиш мумкин.

Демак, юқорида таъкидланганидек, фидеик майший нутқий жанрларни социолингвистик ёндошув асосида ўрганиш, бир тарафдан масалага социология ва тилшунослик нуқтаи назардан ёндошишни талаб қилса, иккинчи тарафдан диншунослик нуқтаи назардан ҳам ёндошишни талаб қиласди. Негаки фидеик нутқий жанрларнинг моҳиятида диний-магик тасаввурлар ётади. Магик тасаввурлар ҳақида гап борар экан, магик тасаввурлар барча томонидан бирдек қабул қилинмаслигини таъкидлаш лозим. Антропологлар Э.Бюрнет ва Ж. Фрезерлар кишиларнинг магик тасаввурини қадимдан мавжудлигини алоҳида таъкидлайдилар⁵. Улар ўз ишларида магия амалиётини илмий тадқиқ қиласдилар. Уларнинг таъкидича, қўпгина магик системаларнинг систем структур характеристи мавжуд, аммо магияни ёлғон ассоциацияларга асосланган иррационал ёки примитив дунёқараш сифатида тасвирлайдилар, магияни маданий эволюция босқичи сифатида талқин қилиб, уни дин илми билан боғлади. Малиновский магияни психологик таскин топиш деб баҳолайди. Жамиятда диний эътиқод, магик тасаввур каби сўзларни рад этувчилар ҳам мавжуд бўлиб, улар Худо сўзини инсон ожизлиги ифодаси ва унинг маҳсулидан бошқа нарса эмас, деб билади.

Кўринадики, дин халқнинг ижтимоий диний тасаввурлари ва ишонч-эътиқодига асосланса-да диний қарашларда шахсий фикр мулоҳазалар хилма – хиллиги кузатилади Шунга қарамай, жамиятнинг аксарият қисми диний эътиқод танловида бир динга эътиқод қилувчи мамлакатлар мавжуд. Мана шундай жамиятларда тил шакллари танловида диний сўзларнинг кўп қўлланилиши кузатилади. Айтиш керакки, тил тизимида диний майший нутқий жанрлар ва диний кўрсаткичли майший нутқий жанрларни мавжуд. Масалан, диний майший нутқий жанрларга диний сухбат, китоб, зиёрат, тоат-ибодат, ихтилоф (низолар, келишмовчилик), бидъат, диний товба – тазарруъ, сир, диний фатво, диний даъво, ҳадис, ҳаж, эхром, умра, оят⁶, диний эслатма, хурофот, ширк, бутпарастлик, диний мулоҳаза, диний хукм, башорат, ваҳий, туш, васият, садақа, қарз, сехргарлик, закот, тиланчилик, тажовуз, ирим, башорат ваҳий кабиларни киритиш мумкин. Диний кўрсаткичли майший нутқий жанрларга эса товба, миннатдорчилик, шукронна келитириш ва дуо кабилар киради. Ушбу жанрларнинг ўзига хос лингвистик ва социомаданий хусусиятлари бор. Дуо нутқий жанри диний эътиқодли жамиятнинг ижтимоий кўрсаткичи саналади. Ўзбек тилида дуогўй

⁵ C. Calhoun. Dictionary of Social sciences. USA, 2002, p 287

⁶ Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 136-бет

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

лексемаси ўзбек халқига хос тушунча бўлиб, ёши жиҳатдан катта, маълум турмуш тажрибасига эга бўлган, тақводор инсонларга нисбатан ишлатилади ва ушбу сўз шахс характерини кўрсатиб, у ҳақида ижобий хулоса беради. У инсоннинг ижобий фазилатларини сифатловчи луғавий бирликдир. Дуогўй сўзи ўзбек халқининг диний эътиқодли халқ эканлигидан дарак берувчи сўз ҳамdir.

Дуо нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари рус лингвистлари томонидан ўрганилган бўлса-да⁷, ўзбек тилидаги дуо нутқий жанрининг ижтимоий лингвистик хусусиятлари масаласи ҳам тадқиқотталаб масалалардан эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Чунки турли тизимли тилларда дуо нутқий жанрида халқ идеологияси ва феъл-атвор хусусиятлари (мақоллар, маталлар, мифлар, фразалар, жумлалар орқали: Худони танимай қолишилик, яъни босар тусарини билмай қолишилик, урушмасликни ўзига раво кўриш маъносида: Худо бас келсин, Худога солдим, Худо жазосини берсин, Худо бор каби, бундан ташқари дуогўй ота-оналар, Художўйлик, яъни Худога эътиқод қилиш мақсадида Худони улуғлаш, мадҳ этиш, Худони англаш каби) ифодаланиши ва тарихи, дуонинг амалий жараёнлардаги реал ва нореал мазмуни (Дуо килиб қўяверинг, яъни умидни узмоқ маъносида), амалий ва илмий жиҳатдан тасдиқланмаган хурофот фикрлар (дуоибад қилиш, оқладар бўлиш, оқ қилиш, қарғишга қолиш, сехр-жоду қилиш, афсун ўқиш, кўнглини огритиш, мазлум дуоси), дуо кучи (садака радди бало, олтин олма-дуо ол, дуо олтин эмасми) каби масалалар ўз тадқиқини кутмоқда. Айниқса, дуо нутқий жанри этикасида вербал ва новербал (кўз, қош, бурун, гавда, оёқ, қўл, бош каби тана аъзолари ҳаракатларнинг дуога хосланиши (ўтириб ёки туриб дуо қилиш) воситалар, дуо нутқий жанрида лингвистик атрибутлар, дуо адресанти (азиз саналган инсонлар: мулла, қори, ота она, ака, опа, ногиронлар, тиланчи кабилар), дуо адресати (гуноҳкор, иши юришини тиловчи шахс), дуо объекти, (а) муқаддас шахсларга йўналтирилган (Худо (намоз), азиз авлиёлар (Хизр бува), б) инсонларга йўналтирилган: болалар, дўстлар, марҳумлар (ота-она ёки қариндошлар), в) хайрли ишларга йўналтирилган: лавозим, ютуқ, камчилик (ривож дуо), тўй, бирор нарса (уй, машина) сотиш (Хизр бозорини берсин каби) сотиб олиш) кабиларнинг ўзига хосликларини ўрганиш лозим. Шу билан бирга, дуо нутқий жанрида адресант ва адресат муносабатига кўра дуолар таснифи масалалари, масалан, муқаддас шахсларга йўналтирилган (Худо, азиз авлиёлар, Хизр бува каби, инсонларга йўналтирилган: болалар, дўстлар, марҳумлар каби), хайрли ишларга йўналтирилган (лавозим, ютуқ, тўй) дуолар уни социолингвистик тадқиқ қилишга асос бўлади.

Булардан ташқари, дуо нутқий жанрининг диний хусусиятлари тадқиқи ҳам ўзига хос масаладир. Дуо нутқий жанрининг диний асосларида дуонинг илоҳиёт билан алоқаси

⁷ Бондарько Н.А. Взаимодействие устной и письменной традиций в немецких медитативных молитвах XIII-XIV веков [Электронный ресурс] / Н.А. Бондарько//Acta linguistic Petropolitana. Труды института лингвистической исследований. – 2011. - №1, -URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vzaimodeystviye-ustnoy-i-pismennoy-traditsiyi-v-nemetskix-meditativnyx-molitvax-xiii-xiv-vekov> (дата обращения: 02.08.2022);

Е.В.Плисов. Композиционные и лексико-грамматические особенности священнической молитвой на часах (на примере ремецких католических молитв) Е.В.Плисов//Известие Волгоградского государственного педагогического университета. – 2012, №6, С 87-91; О.А. Прохватилова. Православная молитва как один из ядерных жанров религиозного стиля/О.А.Прохватилова//Логический анализ языка. Адресация дискурса. – М.: Индрик, 2012. – С 177-191; Е.В.Бобырова. Коммуникативный компонент жанров молитвы и исповеди в пространстве религиозного дискурса/ Е.В.Бобырова//Жанры и типы текста в научным и медиийном дискурсе: Межвузовский сборник научных трудов/Отв.ред.А.Г.Пастухов. –Орел, 2013. – С 100-106

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

ва шу орқали юзага келадиган дуо турларини ўрганиш имконияти мавжуд. Шуни айтиш керакки, ҳар қандай жамият диний эътиқодида дуо Худо ва унинг буйруқлари асосида шаклланганлиги билан ҳарактерланади. Дуо бу Худонинг мавжудлиги белгиси бўлиб, Худо билан сухбатга киришишни англатади. Демак, дуо илоҳий кучларга ишониш, сифиниш заминида ўз ифодасини топади. Айниқса, дуонинг араб тилида айтилиши, адресантларнинг пайғамбар ва унинг авлодлари ёхуд диний кўрсатмаларда танланган кишиларнинг бўлиши, турли предметлар, хусусан, тасбех, муқаддас китоб кабилар дуонинг илоҳийлик даражасини оширади.

Дуо нутқий жанри диний фалсафий моҳиятига кўра тил эгаси мансуб жамият тафаккурида Худо билан нутқий мулоқот қилиш имконини берувчи нутқий жанрлардан саналади. Оддий одамлар дунёси ва Худонинг құдратли кучи билан яқин алоқалари ушбу жанрлар орқали кечади. Диний матнлар шуни тасдиқлайдики, сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги коммуникатив муносабатларда бу матнларга мазмун берувчи ва ҳаётийлигини таъминлаш имконини берувчи, нутқни қабул қилувчи бу Худо саналади. Кўпгина матнлар Худога алоқа ўрнатиш вазифасини бажариш мақсадида Худони шарафлаш орқали бошланади. Дуоларнинг инсон психологиясига таъсири инсон қувончи, зерикиш, ҳаяжонлашиш, ҳадиксираш, севиш, ғам-андух каби түйғуларда хотиржамликни таъминловчи, руҳий таскин олиш, мотивация бериш воситаси эканлигидан дарак беради. Инсонлар тафаккурида бурч ва мажбуриятни енгиллатиш учун ҳам *Мендан қайтмаса, Худодан қайтсан* каби каби дуо айтишлари ҳам дуо, ҳам миннатдорчилик, ҳам қарздорлик мазмунини келтириб чиқаради ва ушбу восита кишининг ўз-ўзига психологик тасалли бериш усули саналади.

Дуо нутқий жанрида социолингвистик хусусиятлар ўзига хосдир. Масалан, колективизмга амал қиласидиган мамлакатларда дуо маҳаллани, жамоани бошқариш қуроли, воситаси ҳамдир. Бунда эл юрт дуоси, эл-юрт дуосига сазовор бўлишга эришиш биринчи ўринга қўйилади. Айниқса, эркаклар дуоси юксакланади. Шу сабабли ҳам маҳалла оқсоқоллари маслаҳатини олиш, дуосига эришиш кишилар орасида кенг тарқалган. Аёлларнинг дуосида оналар, кекса онахонлар дуоси, хожионалар дуоси ўзига хосдир.

Дуо нутқий жанрида кексалар дуосининг ўзига хослигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Шуни айтиш керакки, ўзбек ҳалқи тарихида кексалар ҳар доим, ҳамма жойда тирик тарих, аждодларни кўрган, ҳикматли улуғлар деб эъзозланган. Уларни ҳурматлаш масаласи муҳокама қилинмаган. Унга амал қилинган⁸. Ўзбек социал жамиятида кексаларнинг социал қиёфаси унинг дуосида кўринади. Аммо олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кексаликнинг дуо билан ўлчаниши барча ҳалқлар учун ижтимоий меъёр бўла олмайди. Масалан, хитойликлар цивилизацияси тарихида 70 ёшдан ошган бир кекса қариянинг болаларнинг қурама кўйлагини, калта иштонини кийиб юрганлиги, ўзини боладек тутишини, буларнинг барини у ота-онасига уларнинг қариб қолганини эслатмаслик, ранжитиб қўймаслик мақсадида қилганлиги хитой ҳалқига хос ижтимоий меъёр саналади⁹. Лекин бу ижтимоий меъёр ўзбек маданиятида кузатилмайди. Чунки ислом дини кексаларни ўзини тутиш қоидаларини диний нуқтаи назаридан ўз қоидаларини ўзига хос тарзда белгилаб берган. Бунда кексаларга бўлган ижтимоий муносабатларда

⁸ М. Қуровов. Оталар китоби. Т., Ўзбекистон, 2007, 44 бет

⁹ И. Кородовец. Китайцы и их цивилизации. СПБ 1898, с 485.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

кексалар дуоси, кексаларни қадрлаш каби ижтимоий қадриятлар устунлик қиласи ва кексалар дуоси бизни бало қазолардан асрайди¹⁰, мўйсафидаларни эъзозлаш, аллоҳни эъзозлашдир¹¹, кимки чиқса остонасидан, дуо олсин ўз онасидан¹², кексаларни асранг-уларнинг дуолари сизни асрайди¹³ каби метафорик иборалар асосида ёш авлод тарбия топади ва кичик ёшдагиларга тегишли ҳатти ҳаракатларни қилиш мумкин эмас. Ҳатто, ўзбек социумида кексаларни қадрлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Жумладан, президент ташаббуси билан 2015 йил “кексаларни эъзозлаш йили” деб эълон қилинди. Бу эса кексаларни қадрлаш ва муҳим ижтимоий масала сифатида қаралишининг яққол далилидир¹⁴. Ўзбек миллий қадриятларида кексаларга ўз фарзандларини оқ ювиб, оқ тараган, уларнинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар шахс сифатида қаралиб, уларни рози қилиб, дуоларини олишликка даъват қилинади. Кексаларни эъзозлаш уларга чукур хурмат, меҳр, илтифот ва эҳтиром кўрсатишдир¹⁵, деб уқтирилади. Айниқса, кексаларга ҳар томонлама хурмат, эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш барча учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги, мўътабар ота-оналарни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш дунёдаги энг улуғ, энг савобли иш¹⁶га тенглаширилади. Айниқса, кексаларни хурматлаш борасида оилада кекса бўлса, бу оилада албатта файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлиши¹⁷га ишонилади, эришаётган ютуқларда ота-оналарнинг, мўътабар кексаларнинг улкан ва унутилмас хизмати бор¹⁸лиги, қариялар қадр топган юртда меҳр-оқибат, қутбарака, тинчлик-хотиржамлик бўлиши¹⁹, кексаларни қадрлаган қадр топаверишига ишонилади. Шунинг учун ҳам ўзбек жамияти тафаккурида кексаларни қадрлаш борасида қуидаги ҳикматлар, мақоллар, ҳадислар юзага келган:

Ўзбек жамиятида нафақат кекса, балки ота-онанинг дуосини олиш ҳам улуғланади, бу эса ота-она хизматини қилишни англатади.

*Кишининг бор эрса ото ва оноси,
Ганиматдур анга аларнинг ризоси.
Худонинг қошида қабули яқиндор,*

¹⁰Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 20 бет

¹¹ Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 45 бет

¹²Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 15 бет

¹³Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 18 бет

¹⁴Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 7 бет

¹⁵Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 11 бет

¹⁶Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 12 бет

¹⁷Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 12 бет

¹⁸Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 12 бет

¹⁹Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 18 бет

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

Ото ва ононинг болага дуоси²⁰.

Демак, ота-онанинг дуоси ижобати тез юзага чиқиши билан характерланади. Ота-онани ҳурмат қилиш фарзандлар учун мажбурият ҳисобланиб, ҳамма хизматни одоб билан бажаришга давват қилинади. Отага итоат қилиш Тангрига итоат қилиш билан тенгластирилади²¹. Ушбу ижтимоий идеологияга кўра кимки ота-онасининг розилигини олган бўлса, Тангри унинг умрини узайтиришига ишонилади²².

Дуо нутқий жанрининг лингвистик хусусиятлари масаласи ҳам ўзига хос бўлиб, бунда дуо матнларининг композицион тузилиши, уларнинг грамматик, лексик-семантик, структур каби хусусиятлари тадқиқи кабиларни ўрганиш муҳимдир. Ижтимоий ҳаётда кўп кўлланилувчи дуолар семантикасини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларни шартли равишда 2 га: ижобий (барака, ривож, яхши, эзгу тилак билдириш) ва салбий (қарғиш, афсун, сеҳржоду каби) дуоларга ажратиш мумкин.

Ижобий дуолар умуман кишилар бир-бирларига тилайдиган яхшиликлар, яхши ниятлардир. Ижобий дуолар олиш мазмунида ўзбек социумида кўплаб метафорик мақоллар юзага келган. Масалан, олтин олма дуо ол - дуо олтин эмасми. *Мехнат билан ер қўкарап, дуо билан эл, юртнинг дуосини олган кам бўлмайди*²³.

Салбий дуолар кимсага ёмонлик тилаб қилинган дуо, яъни қарғиш, афсун, сеҳржоду кабиларни назарда тутади. Масалан, қарғиш: *Оқсой: Бермасанг, дуоибад қилиб, ишинги ҳуржунаштираман.* (К. Яшин, Ҳамза). Изоҳли луғатларда афсун, сеҳржоду кишининг соғлиғи, ўлими, баҳтсизлигига сабабчи деб ҳисобланувчи ёвуз кучлар, инс-жинсларни қайтариш, кимсани кимсага иситиш ва шу кабилар учун азайимхонлар, дуохонлар томонидан қиласиган тумор ва шу кабиларга ёзиг бериладиган матн, хат, дея изоҳланади. Масалан, *Ўзбек ойимнинг миаси айнидими ёки ... сеҳрчи ҳиндунинг дуоси асар қилдими, ҳар нечук, уч йиллик довватлар ва гина қудуратлар барчаси ҳам аллақаёққа қараб учиб кетдилар.* (А.Қодирий. Ўтган кунлар). *Сиз тугмас экансиз, баҳтингиз боғланган, фарзандталаблар менинг дуоим билан тўққизой деганда фарзанд кўрадилар.* (К. Яшин, Ҳамза).

Ўзбек тилида дуо сўзи билан боғлиқ ибораларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Масалан, дуо демоқ-салом демоқ, салом айтиб қўймоқ. *Худога шукур, тинчлик, азаматлар зўр бериб ишилаб ётибди, дуо дейшиди – деди Алим бува.* (М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча). *Нормат акангга дуо деб қўй, қизим.* (И.Рахим. Чин муҳаббат). *Қудрат акам дуо деб юбордилар.* Дуода бўлмоқ – кимсага доимо яхши тилаклар тилаб ўтиromoқ. *Шоду ҳуррам бўлиб, ўйнаб кул энди, хафа бўлмай сен дуода бўл энди.* (Маликаи айёр). Дуои салом. Салом ва яхши тилаклар ёзилган хат, мактуб. *Ўғлингиз сизга бир дуоисаломлар юборган эди.* (Ойдин, ҳикоялар). *Холмат акаларга кўпдан кўп дуоисаломимизни етказинг.* (О. Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Дуо нутқий жанрининг тил тизимида, асосан, куйидаги функционал мазмунлари учрайди:

²⁰ Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 24 бет

²¹ Хадиси шарифдан. Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 45 бет

²² Кексаларни эъзозлаб, дуосини олайлик. Ўзбекистон Республикаси “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси. Extremum-Press. Тошкент-2015, 12 бет

²³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 665 бет

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

1. тиланчи нутқида дуо мазмуни:

А) пул бергандан сунг айтилса, дуо миннатдорчилликни англатади. *Тутган рўзаларингиз қабул бўлсин. Фарзандларингизни роҳатини кўринг (Сўзлашувдан)*

Б) пул берилмай туриб айтилса, пул сураш мазмуни англашилади. *Худойим хайру-эҳсонингизни қабул қилсин:*

2. таъзияда ҳурмат ва ҳамдардлик мазмунида: *Аллоҳ ажерингни улуғ қилсин, сабрингни гўзал қилсин ва вафот этганни магфират қилсин.*

3. ўзаро меҳмондорчилликда: *Илоҳим, Қадам етди, бало етмасин. Янаги шу кунларга эсон омон етайлик.*

4. тингловчини ундаш: *Барака топгур, юрмайсанми?*

5. мақтов, миннатдорчиллик маъносида: *Барака топинг, раҳмат маъносида,*

6. овқатланганда: *Ош бўлсин!, “Баняид шифо” (шифо бўлсин маъносида)*

7. аксирганда “Алҳамдиллаҳ” иборасини айтиш ва ҳоказо. Хуллас, дуо нуткий жанри тил тизимида турли нуткий актлар таркибида келиб, уларнинг маъносини тўлдиради ва диний ижтимоий кўрсаткичга эга бўлади. Дуо нуткий жанри *табриклиш, тилак, дастҳам, қадаҳ сўзлари, мақтов, комплимент* каби турли нуткий жанрлар таркибида ҳам келади. *Ассалому алайкум, Бобуржон! Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Аллоҳимдан сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, баҳт, омад, ишиларингизда улкан зафарлар тилайман!* Ушбу гапда *Аллоҳимдан тилайман* гапи дуо нуткий жанрининг индикатори ҳисобланади. Бу эса дуо нуткий жанрининг мустақил вазифасидан ташқари ёрдамчи вазифа бажаришини англатади.

Шуни айтиш керакки, жамиятнинг турли ижтимоий диний тадбирларида дуо нуткий жанри тадбирни бошлаб бериш ва якунлаш жараёнларида қўлланилади. Бунда унинг сухбатни бошлаш ва тугатиш функцияси юзага келади. Ҳатто дуонинг бошлаш ва тугатиш функцияси диний китобларда муқаддима ва кириш сўз, хулоса кабиларда ҳам ўз аксини топади. Масалан,

“Ҳадиси шарифнинг ўрни” китоби муқаддимаси бошланиши:

Аллоҳ Таолога беадад ҳамду санолар бўлсин!

Аллоҳнинг набийси Мұхаммад мустафога саловот ва саломлар бўлсин!

Бу китобнинг ёзилишига сабаб бўлган турли омиллар бўлганидек, унинг таржима қилиншиига ҳам китоб ва унинг муаллифи билан боғлиқ бирор ҳодиса турткни бўлади. Сиз мұхтарам ўқувчиларимизга тақдим қилинаётган ушбу тардиманинг ҳам ўзига хос тарихи бор²⁴.

Муқаддиманинг тугатилиши:

*Роббимиз бу асарни устозимиз учун садақаи жория ҳамда манфаати илм ўлароқ ҳусни қабул қилиб, у зотни раҳмату магфиратига буркасин, охиратларини обод айласин!*²⁵

Аллоҳим, бизни, ота-онамизни, устозларимизни, аҳлимиз ва фаразанду зурриётларимизни ҳамда барча мусулмонларни магфират қил. Сайидимиз ва мавломиз Мұхаммадга, у кишининг аҳли байтларига, саҳобаларига ва уларга яшилилк ила эргашганларга қиёмат кунига қадар салоту саломлар бўлсин!²⁶

²⁴ Шайх Мұхаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., хилол, 2018, 3-бет.

²⁵ Шайх Мұхаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., хилол, 2018, 5-бет.

²⁶ Шайх Мұхаммад Аввома. Факих имомлар ихтилофида. Ҳадиси шарифнинг ўрни. Т., хилол, 2018, 13-бет.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

Дуо нутқий жанрида дуонинг ўзининг тугалланишини англатувчи сўз “Омин” сўзидир. Ушбу сўзниң келиб чиқишининг диний асослари бор. Илмий диний адабиётларда “Омин” сўзи билан қўйидаги ривоятлар келтирилади:

1) Абу Ҳурайра соллолоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ (сав) Ином “Фойрил маҳдуби алайҳим валаддолийн”, деса “омийн” денглар, кимнинг айтгани фаришталарнинг айтганига тўғри келиб қолса, унинг ўтган гуноҳлари маҳфират қилинади., дедилар²⁷.

2) Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳу айтди: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам ҳутба қилдилар, суннатимизни баён этдилар, намозимизни ўргатдилар ва: “намоз ўқисангиз, сафга туринглар, бирингиз имом бўлсин, у тақбир айтса, сиз ҳам ъакбир айтинг, у “Фойрил маҳдуби алайҳим валаддолийн”деса, омийн, денг, Аллоҳ ижобат қилади. Демак, дуонинг ижобати белгиси Омийн сўзидир. Омийн лафзи дуодир²⁸. Унинг маъноси “ижобат қил”, яъни дуони қабул қил, демакдир²⁹.

3) Омийн лафзи Куръондан эмас, боз устига, ушбу лафз арабча ҳам эмас. “Аузу биллаҳир минаш шайтони ррожийм” эса Куръондантур, яъни Аллоҳ Таоло Куръон ўқигандан уни айтишни вожиб қилган.

4) Ҳабиб ибн Маслама Фехрийдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг “Бир қавм жамланса ва баъзиси дуо қилса, қолганлар омийн деса, Аллоҳ уларни албатта ижобат қилади, деганларини эшиздим³⁰”

Демак, омин сўзи жамоавийликка йўналтирилган сўз ҳамдир. Дуо нутқий жанрининг жамоавийлик хусусиятлари ҳам бевосита диний қарашлар билан боғланади. Бунда дуонинг коллектив жамоадаги қадри ва ижобати юксакланади. Масалан, Савбон розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам: “Бир киши қавмга имомлик қилса, уларни қўйиб, фақат ўзига дуо қилмасин. Агар шундай қилса, уларга хиёнат қилган бўлади.³¹”. Жамоавий дуо масжидлардан ташқари умумийроқ жойларда ҳам шаръийдир³². Қачон қори омийн деса, сиз ҳам омийн денг, чунки фаришталар ҳам омийн дейди³³.

Жамоавий дуо ўзбек ҳалқида диний фалсафий асосли ривоятларга таянади: “У киши дуоси қабул бўладиган одамлардан эди. Бир гуруҳ аскарга амир бўлиб борди. Душманга йўлиққанларида: “Набий соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг “Бир қавм жамланса, баъзиси дуо қилса ва қолганлари “Омийн” деса, Аллоҳ уларни албатта ижобат қилади”, деганларини эшиздим” деди. Кейин Аллоҳга ҳамду сано айтиб туриб: “Аллоҳим! Қонларимизни сақлагин. Ажрларимизни шаҳидларнинг ажрларидек қилгин”, дея дуо қилиб турган эди, душманнинг амри таслим бўлиб, Ҳабибнинг чодирига кириб келди³⁴. Баҳутий “Кашфул киноъда” қўйидагиларни айтади: “Имом бомдод ва асрдан кейин ўша пайтда фаришталар ҳозир бўлиши эътиборидан дуо қилади. Қавм “Омийн”, деб туради. Шунда ижобатга яқин бўлади. Шунингдек, мазкур иккисидан бошқа намозларда ҳам дуо қилади. Чунки фарз

²⁷ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 40-бет

²⁸ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 46-бет

²⁹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 46-бет

³⁰ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 123-бет

³¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 124-бет

³² Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 124-бет

³³ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 124-бет

³⁴ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 125-бет

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

намоздан кейинги пайт дуо қабул бўладиган вақтлардандир. Шундай экан, жамоа бўлиб дуо қилиш мустахабдир. Аммо у суннат эмас³⁵.

Шундай қилиб, дуо нутқий жанрининг диний фалсафий асосларини ўрганиш, унинг жамоавийлик хусусиятларини очиб беради. Диний илмий китобларда ҳар бир ходиса дуо билан амалга ошиши, Худонинг инояти билан бўлишига ишонилади. Шунинг учун хам ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида дуо кўринишидаги нутқий актларнинг учраши табиийдир. Масалан, овқатланиш вақтида ҳам бошлаш, тугатиш каби қисмларда дуо билан боғлиқ маҳсус иборалар ва диний кўрсатмалар мавжуд. Еб ичишдан олдин “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”, деб айтиш диний одатdir.

Ҳадис. Ойша розияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинади, Расуллуллоҳ алайҳи вассалам: “Сизлардан қайси бирингиз таом еса, Аллоҳнинг исмини зикр қилсин. Агар аввалида Аллоҳнинг исмини зикр қилишни унтиб қўйган бўлса, Бисмиллаҳи аввалиаху ва охираху” десин, дедилар. (Абу Довуд ва Термизий ривояти)³⁶. Бир жойда баҳам бўлиб, бисмиллоҳ деб еб ичинглар, шунда овқатингиз баракали бўлади³⁷. Аллоҳ бир нарсани еб ичганидан кейин, унга ҳамд келтирган кишидан рози бўлади. (Муслим, ибн Можа)³⁸. Одоб китобларида сув ичишнинг ўзида 7та суннат бор. 1) Сув ичишдан олдин Бисмиллоҳ дейиш, 7) ичиб бўлиб, алҳамдиллиллоҳ, дейиш³⁹. Диний асарларда овқатланиш билан боғлиқ жараёнларда ушбу қоидалар амалда бўлади:

1) Бисмиллоҳни айтиш шарт. Агар овқатланишни бошлагандан эсидан чиқиб қолган бўлса овқатнинг орасида ҳам Бисмиллоҳи аввалиан ва охирان, дейиш керак; Б) бошқа бирорвнинг молини ноҳақ тарзда олиб, уни ейища “Бисмиллоҳ” дейиш⁴⁰ керак.

2) Ҳадис. Таомингиз атрофига ҳаммангиз йигилинг ва овқатланишни бошлашда Аллоҳнинг исмини (Бисмиллаҳир роҳманир роҳиймни)ни эсланг, агар шундай қилсангиз Аллоҳ Таоло у таомни сиз учун муборак қиласди⁴¹.

3) Овқатланиб бўлгандан сўнг уй эгасига баракот, раҳмат ва маҳфират тилаб дуо қилинади⁴². Дастурхон бошида ўзингизни Аллоҳнинг ҳузурида деб билингу унинг берган неъматларини еб турганингизни унутманг⁴³.

Дуо нутқий жанрида барокот тушунчasi кўп қўлланилади. Қуръони Каримдан ўрин олган энг ажойиб ифодалардан бири барокот ҳисобланади. Барокот эса дуо ва ибодат билан қўлга киритиладиган тўкин-сочинлик, хайр ва хурсандчиликни англатади⁴⁴. Дуо умрнинг баракасини кўпайтиради⁴⁵, деган диний ғоя халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, шу сабабли ҳам умрингизга, ризқингизга Ҳудойим барокот берсин, жумласи оммалашган.

Кимки йўлчиликка чиқиб, биродари билан видолашгач, уларнинг дуоси билан баракага эришади. (Дайламий)⁴⁶. Демак, дуо қут-барака рамзи сифатида инсон рухий

³⁵ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ихтилофлар, сабаблар, ечимлар. Т., “Хилол” нашр, 2019, 125-бет

³⁶ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 168-бет

³⁷ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 169-бет

³⁸ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 170-бет

³⁹ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 176-бет

⁴⁰ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 180-бет

⁴¹ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 182-бет

⁴² Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 188-бет

⁴³ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 195-бет

⁴⁴ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 196-бет

⁴⁵ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 198-бет

⁴⁶ Улуғбек Султон. Ризқ ҳакида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 199-бет

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

маънавий оламида, тафаккурида образлашади. Диний қўрсатмалар шуни тасдиқлайдики, ҳар қандай ишни дуо билан, хусусан, “Бисмиллоҳ” демасдан бошлаш мумкин эмас. Бисмиллоҳсиз бошланган ҳар қандай ишга шайтон ва жинлар шерик бўлади⁴⁷, метафорик ибораси ўша ишни муваффақиятсизлик ва хосиятсиз тугашига ишорадир. Касал кишилар ҳаётида ҳам дуоларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Диний қарашларда шифо берувчи Оллоҳдир. Бу эса Оллоҳнинг сифатларида кўрсатилган. Шу сабабли ҳам Аллоҳдан нажот излаб муножот қилиш зарур. *Агар Аллоҳ менга шифо беради, бироқ шу дори орқали, шу шифокор орқали*, деб тафаккур қилиб⁴⁸, “баняд шифо” калимаси айтилиб дорилар ичилса, касалнинг тузалиши худодан сўралган бўлади.

Ўзбек диний анъаналарига кўра, дуо адресантлари танланган шахслардир, бунга кўра уларнинг дуоси ижобати шубҳасиз амалга ошади. Буларга ота-онанинг фарзанди номига қилган дуоси, хожиона/отанинг дуоси, умрачининг қилган дуоси, bemornining duosi, мусофирининг дуоси, мазлумнинг дуоси, арафа кунидаги дуо, аzon билан иқомат орасида қилинган дуо, намоздаги сажда пайтида қилинадиган дуо, фарз намозларидан кейин қилинган дуо, жума кунидаги маълум бир пайтда қилинган дуо, рўзадорнинг оғиз очаётган пайтда қилган дуоси, қадр кечасидаги дуо, мусулмоннинг мусулмон биродари ҳаққига қилган маҳфий дуоси кабиларни киритиш мумкин. Демак, дуо ижобатида дуо адресантларининг ота-она, хожи ота/она, умрачи, bemor, мусофири, мазлум, рўзадор, мусулмон каби ижтимоий мақоми ва арафа, аzon, намоз, сажда, иқомат, жума кабилар вақт асосий элементлардир.

Юқоридаги муаммоларнинг чуқур ўрганилиши дуо нутқий жанрининг социолингвистик хусусиятларини очиб беради ва унинг турларидағи миллий маданий хусусиятларни аниқлашга хизмат қиласи.

Хулоса. Социолингвистик тадқиқотларда тилга ёндошув ўзига хосдир. Бунда тил жамият томонидан яратилган бўлиб, унинг тақдири ҳам жамият тақдири билан чамбарчас боғлиқ, деб ҳисобланилади. Тилдаги ижтимоий маданий фарқларни топишнинг пировард мақсади тил тизимидағи ижтимоий маданий шаклларнинг ўзига хосликларини очиб беришдир. Муайян нутқий жанрда мавжуд қолипланган ижтимоий лингвистик шакллар муайян ижтимоий қонуниятлар асосида бошқарилади. Maiший нутқий жанрларнинг социолингвистик хусусиятлари таҳлили тил тизимида мустақил равишда ўзида нутқий мақсад, композиция, услугий хусусиятларни акс эттирувчи нутқий бутунликлардан ташкил топган майший нутқий жанрлардаги лингвистик воситалар (вербал ва новербал воситалар, лингвистик атрибулар)нинг муайян жанрий система ҳосил қилиш, яъни бутун-бўлак ҳосил қилишдаги социал (ижтимоий) ахборотлар тизимининг ўзига хослигини аниқлайди. Қисқа қилиб айтганда, бу усул орқали майший нутқий жанрларнинг лингвистик қатламида мавжуд социал ахборотлар мажмуининг миллий-маданий хусусиятларини ўрганиш мумкин. Maiший нутқий жанрларнинг вербал воситаларини ўрганиш жараёнида юзага келувчи лингвистик муаммолардан бири бўлган новербал (ҳатти-ҳаракатлар, имо-ишоралар каби) ва семиотик (предмет, нарса-буюм) воситаларнинг ҳам лингвистик мазмунни тўлдирувчи, бутунловчи функциясини ёритиб бериш нутқий жанрлар назариясида аҳамиятли муаммолардандир. Maiший нутқий жанрларни социолингвистик тадқиқ этиш

⁴⁷ Улуғбек Султон. Ризқ ҳақида рисола. Т., Сано стандарт нашриёти, 2017, 204-бет

⁴⁸ Шайх Умар форук сайдо ал-Жазарий-Нақшбандий. Ўзбекистон авлиёлар ватани. “Сано-стандарт” нашриёти. Т., 2019, 174-бет

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

жамият тафаккурини аниклади, миллий-маънавий қадриятлар, символларни ўзида мужассам этувчи тил бирликларини социал хусусиятларини очиб беради.

LIST OF USED LITERATURE

1. Calhoun. S. (2002) Dictionary of social sciences. USA, p 287.
2. Bondarko N.A. (2011) Interaction of oral and written traditions in German meditative prayers of the XIII-XIV centuries [Electronic resource] / N.A. Bondarko//Acta linguistica Petropolitana. Proceedings of the Institute of Linguistic Research. - No. 1, - URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/vzaimodeystviye-ustnoy-i-pismennoy-traditsiy-v-nemetskix-meditativnyx-molitvax-xiii-xiv-vekov> (date of access: 08.02.2022).
3. Bugaeva I. V. (2006) Prayer as a special genre of modern Orthodox journalism / I. V. Bugaeva // Genres and types of text in scientific and media discourse: interuniversity collection of scientific papers. - Oryel: Oryol State Institute of Culture - S. 157–164.
4. Bugaeva I. V. (2015) Theolinguistics: theology + linguistics? / I. V. Bugaeva // Language and method: Russian language in linguistic studies of the XXI century. - V. 2: Linguistic analysis on the verge of a methodological breakdown / ed. D. Shumska, K. Ozga. — Krakow: Wydawnictwo Uniwersytetu Jagiellońskiego. — P. 293–300.
5. Wojtak M. (1998) Manifestation of standardization in statements of religious style (on the material of liturgical prayer) / M. Wojtak // Text: stereotype and creativity. - Perm: Perm State University. - S. 214-230.
6. Gadomsky A. K. (2009) On the genres of the religious language in Russian and Polish theolinguistics / A. K. Gadomsky // Style. - No. 8. - S. 107–118.
7. Dementiev. V.V. (2019) On the typology of speech genres in connection with the spheres of speech communication and without such connection // Communicative Research. V.6. No. 3. S. 633.
8. Dementiev. V.V. (2010) Theories of speech genres. Moscow: Znak, p 594.
9. Itskovich T. V. (2021) Genre system of religious style / T. V. Itskovich. - Moscow: Flinta.
10. Karasik V. I. (2002) Language circle: personality, concepts, discourse / V. I. Karasik. - Volgograd: Change. 477 p.
11. Let's honor the elderly and receive their blessing. (2015) "Tasviriy Oyna" creative association of the Republic of Uzbekistan. Extremum-Press. Tashkent, 20 pages.
12. Korodovets. I. (1898). The Chinese and their civilizations. St. Petersburg, p. 485.
13. Kuronov M. (2007). Otalar kitobi. T., Uzbekiston, 44 bet.
14. Mishlanov V. A. (2003) Prayer as a speech genre / V. A. Mishlanov // Direct and indirect communication. Sat. scientific articles. - Saratov: College Publishing House. - S. 290-302.
15. Plisov. E.V. (2012) Compositional and lexical and grammatical features of the priestly prayer at the clock (on the example of the Roman Catholic prayers) E.V. Plisov//News of the Volgograd State Pedagogical University. No. 6, P 87-91.
16. Postovalova V. I. (2012) Addressing in the Orthodox Christian discourse: preaching, confession, prayer / V. I. Postovalova // Logical analysis of the language. discourse addressing. — M.: Indrik, S. 177–191.
17. Prokhvatilova O. A. (2007) Orthodox prayer as one of the core genres of the religious style / O. A. Prokhvatilova // Stil. — Beograd. - No. 6. - S. 153–166.

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-4, ISSUE-3

18. Prokhvatilova O. A. (1999) Orthodox preaching and prayer as a phenomenon of modern sounding speech / O. A. Prokhvatilova. - Volgograd: Publishing House of the Volgograd State. unta. - 364 p.
19. Explanatory dictionary of linguistic terms. (2002), Tashkent.
20. An explanatory dictionary of the Uzbek language. (2020) 4 volumes. T., "National Encyclopedia of Uzbekistan" edition, 343 pages.
21. Ulugbek Sultan. (2017) A treatise on sustenance. T., Sano Standard Publishing House, p. 168.
22. Urazaeva N. R. (2003) Structural and semantic characteristics of the German-language prayer text: abstract. dis. ... cand. philol. Sciences / N. R. Urazaeva. - M.- 24 p.
23. Sheikh Omar Farooq Said al-Jazari-Naqshbandi. (2019) Uzbekistan is the homeland of saints. "Sano-standard" publishing house. T., p. 174
24. Sheikh Muhammad Awwama. (2018) Fakih is in the disagreement of the imams. The place of Hadith Sharif. T., khilal, p. 13.
25. Sheikh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. (2019) Conflicts, causes, solutions. T., "Khilal" publication, p. 136.